



Кейинги йилларда 9 май – “Хотира ва кадрлаш куни” арафасида жойларда “Георгий лентаси”ни таркатиш, машиналарга такиб юришдек бир манзара кўнгилни хижил килмокда. Хўш, бу тасманинг Иккинчи жахон урушига дахли борми? Йўк! Негаки, тасманинг келиб чиқиши рус хукмдори Екатерина II томонидан 1769 йил рус-турк уруши пайтида таъсис этган авлиё Георгий орденига бориб такалади. Ушбу орден кора-сарик ранглардан иборат тасма билан безатилган эди. Шундан сўнг рус харбийларининг орденлари ана шу богич билан безатиладиган бўлди. Кейинчалик рус армияси Хива, Кўкон хонликлари, Бухоро амирлигини забт этиб, унда катнашган зобит ва генералларни ҳам “Георгий ордени” билан такдирлайди. Ва, албатта, бу орденларнинг богичи бугун айримлар фахр билан таркатиб юрган “георгий лентаси” билан безатилган эди. Ушбу маколада юртимизга бостириб келиб, тинч аҳолини, аёллар ҳамда болаларни шафкатсизларча ўлдиргани учун “Георгий ордени” билан мукофотланган айрим “кахрамонлар” хакида хикоя килинади.

Тошкент шахрини сувсиз колдириб, портлатган “кахрамон” генерал

XIX аср ўрталарига келиб Ўрта Осиёни босиб олиш хар кеча рус генералларининг тушларига ҳам кирадиган бўлди. Шундайлардан бири М.А.Черняев эди. У Авлиёота ва Чимкентни босганидан кўп ўтмай, яъни 1864 йилнинг 27 сентябрида, 8 та рота, 12 та замбарак, 100 нафар казак, 1500 аскар ва 400 нафар козок кўнгиллилари билан Тошкентга юзланади. 1864 йил 2 октябрда эрталабдан хар икки томонда тўплардан ўк отилади. Шундан кейин подполковник Обух 2 та рота аскар ва 4 та тўпи билан хужумга ўтиб деворни тешишга эришади. Бу хакида тарихчи Мухаммад Солих Тошкандий “Ўруслар олга чопиб зовурга ўзларини урдилар; уларнинг иккинчи гурухи ёрдамга келмокда эди. Шу онда девор устидаги шертабиат ва довюралар ўзларини пастга ташлаб, зовур ичида ўруслар билан ёкама-ёка ушлашиб, уларни ханжар билан ўлдира бошладилар. Хатто баъзи кишилар кочиб кетаётган душман оркасидан кувиб бориб, ханжар ва килич билан жанг килдилар. Зовур ичидаги ўруслардан уруш ва талаш билан 72 кишининг боши кесилиб, ярог-аслаҳалари гозийларга бўлиб берилди”, деб ёзади. Алалхусус, бу тўкнашувдан сўнг генерал шармандаларча чекиниб, 4 октябрда Чимкентга кайтиб кетди. 1865 йил апрель ойида Черняев яна Тошкентга юриш бошлайди. Аммо бу уриниши ҳам беҳуда кетгач, зарурий чораларни кўради. У аввало, Тошкентга келадиган

асосий сув йўлини тўсиб қўяди ва амирнинг бошкентга юришидан қўчиб, Чиноз калъасини эгаллаб олади. Руслар вақти-вақти билан шаҳарни тўплардан ўкка тутиб туришади. Бу орада шаҳар химоячиларининг ишонган тоғи, хоннинг лашкарбошиси – Алимкул додхоҳ корнидан ўк еб, жангда шахид бўлади. Бу орада руслар айрим хоинлар ёрдамида Ўрда ичидаги порох ва курол-аслаҳа сакланадиган махфий омборни аниқлаб, портлатиб юборишади. Устига устак, Камолон дарвозасидан бостириб кирган душман ўз тўпларини Шайхонтохур, Бешогоч ва бошқа даҳаларга қўйиб, таслим бўлишмаси, бутун шаҳарни вайрон қилишлари билан пўписа қилади. Шундан сўнг ҳеч қайдан мадад ва ёрдам ололмаган, узок муддат сувсиз ва озик-овқатсиз қолган шаҳар оксоқоллари таслим бўлишга қарор қилган.

Тошкент истилоси дунё микёсида, айниқса, Англия ва Туркияда норозилик ҳамда шов-шувларга сабаб бўлган. Генералнинг ўйламай қилган қалтис ишини оқлаш ва шов-шувни юмшатиш мақсадида рус матбуоти гўё тошкентликлар ихтиёрий равишда таслим бўлгани, керак бўлса, бу ҳудудда Тошкент хонлигини тузиш режаси ҳақида мақолалар уюштирган. Аммо ажабки, хонлик ташкил этиш ҳақида фикрлар айтила туриб, айтилган вақтда шаҳарда ҳарбий истехком қуриш ва қўшинни жойлаштириш чоралари қўрилган. Шаҳарни Россия таркибига қиритиш тарафдори бўлган Черняев ўз бошлиғи Крижановскийнинг “Мустақил Тошкент хонлигини” ташкил этиш ҳақидаги кўрсатмасига очикдан-очик қаршилик кўрсатади. Натижада лавозимидан четлатилган Черняев 1882 йилдагина Туркистон генерал-губернатори этиб тайинланди. У бу лавозимда атиги 2 йил ишлай олади. Чунки унинг рус шовинистларига ҳос феъли, жанжал ва можароларга мойил табиати раҳбариятнинг ҳам жонига текканди. Бу шухратпараст генералда бошқарув лаёқати ҳам, кадрларни танлаш ва жойига қўйиш салоҳияти ҳам йўқ эди. Шунга қарамай, Черняев 1964 йилда Чимкентни ишғол этгани учун 3-даражали авлиё Георгий ордени билан тақдирланган. 1965 йилда эса “Тошкентни эгаллагани учун” деган бриллиант ёзувли олтин қилич билан мукофотланган. Бироқ ярамас феъли ва юқоридаги сабаблар туфайли лавозимидан четлатилган собик генерал-губернатор 1898 йилда ўз қишлоғида доврқисиз ва шон-шарафсиз дунёдан ўтган.

Қирғин учун икки “Георгий ордени”

Туркистонда қилич ўйнатган яна бир генерал Николай Никитович Головачев 1823 йилда туғилган. 1867 йил унга генерал-майор унвони берилиб, Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторлиғига тайинланган. 1868 йил Головачев Бухоро амирлиғига қарши урушга қириб, Миёнқол водийси ва Самарқанддаги қонли жангларда иштирок этади. Бу ҳудудлар ишғолидан кейин Чўпонота тепалиқлари ва Зирабулоқ урушларида минглаб ўзбекларнинг қони тўқилади. Генерал Головачев бу юришлардаги шонли “жасорати” учун 4-даражали Георгий ордени билан мукофотланади.

1873 йилги Хива юриши вақтида Уч ўчоқда Головачев бир гуруҳ чегара химоячиларини қириб ташлайди. Шайхариқ кечувида эса артиллерия ёрдамида Хива аскарлари штабини бомбардимон қилади. Бу шонли юриш учун ҳам у 3-даражали “Георгий ордени”ни олади. Шундан сўнг Россияга товуқ пул (қонтирибуция) тўлашдан бош тортган ёвмитларни жазолаш ҳам унга юқлатилади. Генерал ёвмит ва бошқа туркман уруғлари билан жанг қилиб, тинч аҳолини Қорақум бағрига қувғин қилади. Айниқса, 10 мингдан зиёд туркманлар билан бўлган қашатқич Чандир жангида қўп қон тўқилади, Головачев эса бошидан қараланади. Қетма-қет қилинган қалабалар сабаб унга империянинг ишончи

ортиб борарди. Шунинг учун у 1875 йилда Кўконда кўтарилган халк исёнини бостиришга сафарбар этилган. Бу ерда ҳам курулсиз аҳоли қиличдан ўққа тутилади, кўркувдан ўзини дарёга ташлаб гарк бўлган туркийларнинг эса саноги йўқ эди. Кейинчалик Головачев Сирдарё области харбий губернатори лавозимида ишларкан, порахўрлиги учун ишини судга оширишни императорнинг ўзи буюрсада, икки “Георгий ордени” ва “харбий жасорат”лари инобатга олиниб, жазодан қутулиб қолган.

Хива ва Бухородаги оммавий боскин

Ўтган аср бошларида Туркистонда миллий озодлик ҳаракатини бостиришда фаол иштирок этган конхўр боскинчилардан бири С.М.Будённий эди. Унинг отлик армияси Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини ағдаришда катта хизмат кўрсатган. Аммо Туркистонда қаршилик ҳаракати тобора кенг ёйилиб, Будённийнинг отлик аскарларига ҳужум қилар, тинқасини қуруттарди. Бунга жавобан будённийчилар қишлоқлардаги барча эркакларни оммавий қиргин қилишга ўтади. Қатллар шу қадар ваҳшиёна бўлганидан шўро ҳуқмронлиги йилларида даврида ҳам туркистонликлар Будённий номини тилга олишга жирканарди. Аммо унинг ўзи бу “жасоратли” юришлари учун “Георгий ордени” билан тақдирланган.

Конхўр генерал

М.Д.Скобелев Туркистондаги энг конхўр чор генералларидан бири бўлган. Унинг ҳар бир қадамидан қон ҳиди анқиб туради, десак ҳато бўлмайди. Ўз харбий таржимаи ҳолини зулмга қарши қўтарилган поляклар исёнини қонга ботиришдан (1864) бошлаган. Ушбу “хизмати” учун у 4-даражали авлиё Анна нишони билан тақдирланган. Хива юриши бошланишидан аввал у ўртоқларига “Бу гал, албатта, “Георгий крести”ни оламан!” дея мактанган экан.

Хива хони Мухаммад Раҳимхон генерал Кауфманга чопар йўллаб, таслим бўлганини билдиргач, харбий ҳаракатлар тўхтатилади. Шунга қарамай, полковник Скобелев ва граф Шувалов бошчилигида мингга яқин рус қўшини Шохобод дарвозасини портлатиб, йўлда дуч қелган одамни қириб, қон ўрдасига бостириб боради. Бундан мақсад эса қўпроқ ўлжа ва юқори мартаба, нишон олиш бўлган.

Кўқон хонлигида юз берган исённи бостиришда Скобелев алоҳида “жасорат” кўрсатади. Конхўр генерал йўлида учраган барча қишлоқларни қултепага айлантириб, 1876 йил 8 январда Андижон остонасига етади. Қашқатқич жангларда андижонликлардан 20 минг нафар одам ўлдирилади. Скобелевнинг ёвузи қилмишлари ҳақида тарихчи олима Зинаида Кастелская “Туркистон ўлкаси тарихидан” номли қитобида шундай ёзади: “Жазо отрядига бошчилик қилган Скобелев қўшинлари исёнчиларга қарата тўплардан ўт очиб, уларни чекинтирди. Скобелев Андижонни ёндириб, Қорадарё воҳасидаги қишлоқларнинг ҳаммасини йўқ қилиб ташлади”. Жангдан сўнг генерал бошлик харбийлар ҳароб этилган қишлоқни тарқ этаётган бир тўда тинч аҳолига дуч қелади. Скобелев ақсарияти кекса қоллар, аёллар ва болалардан иборат қочқинларни қириб ташлашни офицерлар – Наливкин ва Ионовга топширади...

1876 йил Скобелев бошлик чор аскарлари оила аъзолари ва мол-мулклари билан Қоратегинга қетишга қолганган 5 000 “исёнчи” жойлашган Учқўргон қишлоғига бостириб қиради. Ҳужум қутилмаганда бўлгани сабабли “исёнчи”ларнинг бирортаси тирик

Муаллиф:

30.09.2023 21:13 -

---

колмайди. Ўз халки озодлиги учун курашган 33 ёшли Пўлатхон ҳам асир олиниб, дорга тортилади. Скобелев Кўкон хонлигида кўрсатган ушбу жасоратлари учун 3-даражали “Георгий ордени” билан тақдирланган. Конхўр генерал 1882 йил Россия меҳмонхоналаридан бирида сирли равишда ўлим топган.

“Мозийга кайтиб иш кўрмок хайрлидир”, деб ёзганди Абдулла Кодирий. Аслида ҳам шундай. Чунки ўтмишини унутган халк килинган хатоларни кайта ва кайта такрорлашга маҳкум. Биз бугун килаётган ҳаракатларимиз билан кимга шараф айтяпмиз – юрт озодлиги йўлида қурбон кетган аждодларимизгами ё уларни вахшийларча кириб юбориб, кўксига кўша-кўша “Георгий тасмаси”ни такканларгами? Маколадан мақсад, шуни англатиш эди. Чипор тасманинг иккичи жаҳон урушига умуман алоқаси йўклиги каби, уни тақиб юрт озодлиги йўлида босқинчилар томонидан ўлдирилган аждодларимизга нисбатан ҳақорат ҳам, бизнингча.

Абдумажид АЗИМОВ

Oyina.uz